



ГЕОГРАФИЯ ВА ГЕОЭКОЛОГИЯ

илмий мақолалар тўплами



Самарқанд

иктисодиётга сезиларли даражада ўз улушини кўшиб келмоқда. Хулудда сувдан фойдаланишга юзага келадиган хўжаликчиликлар сувни беҳуда сарф бўлиши натижасида сувдан самарали фойдаланишда муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Қарши ирригацион тармоқ бошқармаси маълумотига кўра, тизим худуддаги хўжаликларро ва ички хўжалик каналлари гидротехник талабларга жавоб бермаслиги, хўжалик ерларини нотекислиги, малакали гидротехник кадрларни етишмаслиги каби салбий ҳолатлар сувдан самарали фойдаланиш меъёрларини бузулишига олиб келмоқда. Хулудда канал сувдан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, сувни кам талаб қиладиган экинлар экиш, суғориш архитектурасига катъий риоя қилиш, суғориш тизими тармоқларини реконструкция қилиш бугунги куннинг асосий вазифасидан биридир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Қарши ирригацион тизимининг республика иктисодиётини ривожланишидаги салмотини ҳисобга олиб, уни ФИК (Фойдали иш коэффициент) ни оширишга қаратилган чора тadbирлар режасини ишлаб чиқиш, каналлар атрофида биохилма-хилликни, ландшафтни сақлаб қолиш, канал сувини ер остига филтрация натижасида сингиб кетишини олдини олиш мақсадида ер арик қисмларида бетонлаш ишларини йўлга қўйиш, рельеф шартини мураккаб далаларга суғоришни агротехник усуллар орқали тўғри ташкил этиш ирригацион эрозияни олдини олиш каби ишларни тўғри йўлга қўйиш ва уни амалга ошириш агроф-мухит муҳофазасини тўғри ташкил этишда катта аҳамиятга эгадир. Бу биринчидан сувдан тежамли фойдаланиш имконини берса, иккинчидан тупроқ механик, химик ва органик таркибининг оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Гидротехник иншоотларни агроф-мухитга салбий таъсирини камайтириш мақсадида республикада хусусан Қашқадарё воҳасида катор мелiorатив тadbирлар амалга оширилмоқда. Булар қуйидагилар: ер ости сув сатҳини пасайтириш мақсадида зовур ва дренаж системаларини барпо этиш; гидротехник иншоотларни ФИК (фойдали иш коэффициент) ни яъни 0.64 ФИК дан 0.86 ФИК гача кўтариш; канал сувларини ерга шимиллиб кетишини олдини олиш мақсадида каналларни бетон қоплама билан қоплаш; гидротехник иншоотлар атрофида сувни бугуналиб кетишини пасайтириш мақсадида дарахтзорлар барпо этиш; гидротехник иншоотлар атрофида кишилар дам олишини ташкил этиш, яъни унинг рекреацион имкониятидан фойдаланиш; сув омборларидан балиқчилик ва мўйнали сув хайвонларни кўпайтириш ва боқиб мақсадида фойдаланиш.

Юқорида келтириб ўтилган тadbирларни амалга ошириш гидротехник иншоотлардан кўп йиллар давомида иктисодиётимизни ривожлантиришда янада самарали фойдаланиш имкониятини яратиб билан бирга агроф-мухитга бўлган салбий таъсирини янада камайтириб экологик барқарорликка эришининг гаровидир.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев С.И. Суғорма дехқончиликнинг айрим геоэкологик муаммолари //Ўзбекистон География жамяти ахбороти. - Т.: 2000. 21 - жилд.
2. Абдулқосимов А.А., Абдулқосимов И. Антропогенные ландшафты Средней Азии и вопросы экологии. - Т.: 2004.
3. Абдуллаев С.И., Усмонова Р. Қашқадарё хавасининг ландшафтлари ва уларни тасниф қилишининг айрим масалалари //Жанубий Ўзбекистон табият манбааларидан оқилона фойдаланиш масалалари. Республика илмий-амалий

конференция материаллари. - Т.: 1997.

4. Нишанов С.А. Ландшафтные пояса Кашкадарьинской области. Материалы по физической географии Узбекистана. - Т.: 1978.

5. Хасанов И.А. Оценка природных территориальных комплексов Каршинской степи для оросительной мелиорации. - Т.: 1981.

6. Абдуллаев С.И., Усмонов И. Особенности использования природных ресурсов Кашкадарьинской области // Природные и экономические условия развития сельского хозяйства Узбекистана. - Т.: 1981.

Курбонов К., Жумаев Т., Усманов М.Р., Каюмова М.

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИКТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИКТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Аграр иктисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида кишлок хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш ва худудий жойлаштириш масалалари ўзбекистонлик олимлар А.Жўраев, Ф.Назарова, У.Нигматжанов, А.Қодиров, У.Умурзоков, Ч.Муროдов, Р.Хусанов, И.Хушматов, К.Чориев, Т.Фармонов, А.Солиев, А.Қаюмов, Ю.Ахмадалиевлар томонидан ўрганилган.

Шунинг учун аграр соҳада истиқболда белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистонда бу соҳада эришилган ютуқларга эътибор қарағиш лозим. Масалан, 2015 йилда кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан икки ярим баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, дехқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди. Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, яппи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида кишлок хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди. Буни авваламбор иктисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи шифатида қабул қилишимиз даркор.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг қўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда. Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва кишлок хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган ҳисса олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортнома маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажминини сақлаган ҳолда, бошқа кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озик-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, галла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўлг ва сут – 2,1 қарра, туҳум – 3,4 баробар ошди. Ўтган 2013 йилда миришқор дехқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан

мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортик пахта хомашёси етказиб берилди.

Ўтган йили 2013-2017 йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилинди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча маҳалладор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжалиқларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши Вазирлар Маҳкамаси томонидан тизимли назорат қилиб келинмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг иқтисодий инкирозга юз тутганлигини бир қатор сабаблари мавжуд:

- ❖ кўп йиллар давомида ерга нисбатан давлат мулки муносабатлари хукмронлик қилгани ва қишлоқларда эски психологиянинг хукмронлик қилиши иқтисодий ислохотларни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатганлиги;
- ❖ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини қўллаш ва уни амалга оширишнинг қийинлашиб қолганлиги;
- ❖ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида керагидан ортиқча меҳнат ресурсларининг йиғилиб қолганлиги, уларни бўшатиш ва бошқа иш билан таъминлаш ҳуқуқат олдига яна бир улкан муаммони қўйганлиги;
- ❖ қишлоқ хўжалиги техникаларининг эскилиги ва тармоқда механизациялаштириш даражасининг пасайиб кетганлиги, янги техника сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга жалб қилиш қийинлиги ва ишлаб чиқарувчиларда бунинг учун керакли маблағнинг йўқлиги;
- ❖ қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш учун керакли миқдордаги ссуда ва кредитларнинг етишмаслиги ёки уларни олишнинг ҳаддан ташқари қийинлиги. Танланган йўл асосида Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб олинган.

Бу борадаги чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг биринчи Президентини И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номили асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инкироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнатқашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикамиздаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгрок фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Асарда Ўзбекистон учун инкирознинг бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган: 1) мамлакатимизда қабул қилинган қарорларда жаҳон иқтисодий инкирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инкирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг

мувозанатли ривожланишини таъминлаш; 2) таркибий ўзгарттиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш; 3) қишлоқ турмуши сифатини ва кифасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш; 4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омилли сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш; 5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омилли сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш; 6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Ўзбекистоннинг биринчи Президентининг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустақкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ даражада амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини такозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига кўра Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номили асарларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўринда шунини таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилаётган аграр сисъатнинг моҳияти, вазифалари, асосий йўналишлари, муаммолари ва истиқболларини ўрганишда илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишимизга асос бўлди. Ўзбекистон аграр сисъатининг ҳуқуқий асослари яратилган, фақат уни тўғри амалга ошириш муҳим, шундагина олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар керакли даражадаги самрани бериши мумкин. Хусусан Жиззах вилоятида ҳам аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоят худудларида деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, пиллачилик, баллиқчилик ва бошқа қишлоқ хўжалик соҳаларини ривожлантиришга қатта аҳамият берилмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўқин ҳаёт манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Асарлар I-XVII томлар. 1991-2010.

3. Қутликов М. Дехон (фермер) хўжалиklarини ривожлантириш истиқболлари. -Т.: Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - 2003. №4. -50 б.
4. Ганиев М. Фермер хўжалиklarида меҳнат муносабатлари. -Т.: Жамият ва бошқарув 2003, №4.
5. Аграр соҳада ислохларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. - Тошкент: «Меҳнат», 2002.

Раҳматуллаев А., Давронова Р.
**ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКАСИ ВА УНДАН КЕЛАЖАҚДА
 ФЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ
 МИСОЛИДА)**

Хозирги пайтда дунё бўйича интенсив ишлатилаётган углеводород ёқиллари (кўмир, нефть, газ, ёнувчи сланец ва бошқ.) тугайдиган табиат ресурслари бўлиб, уларнинг табиий захиралари 30-40 йилдан кейин жуда камаяди, кўпгина давлатларда умуман тугайди. Шу сабабли ҳам дунёнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказлари, таникли ақл-идрок номоёндалари муқобил энергия манбалари захираларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш бўйича катта илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Шамол энергия манбаи сифатида инсониятга ўн минг йилдан ортиқ хизмат қилиб келади. Дастлаб шамол кучидан денгизда сузишда фойдаланилган. Қадимги миририқлар слангли қайиқларда 5000 йил олдин сузиб юришган. Қадимги шамол тегирмонлари Вавилон давлатида эрамыздан 1750 йил аввал ишлатилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.


Мусулмон географларининг ёзишча Эронда бугдой янчадиган шамол тегирмонлари IX асрда ишлатилган. XI асрда шамол тегирмонлари яқин шарқ давлатларида кенг фойдаланилган. Биринчи шамол тегирмони Францияда 1105 йилда қурилган. 1190 йилларда Англияда биринчи шамол тегирмонлари ишлатилган. Германияда биринчи шамол тегирмони 1393 йилда ишга туширилган ва у аста-секин кўшни давлатларда ҳам қурила бошлаган (Бельгия, Голландия, Эстония ва бошқ.). Шамол тегирмонларининг энг муқаммал нусхаларидан бирини XVII асрда голландиялик Ян Андриансзон таклиф қилган ва бу тегирмон голландия тегирмони номи билан машҳур бўлган. Европа давлатларида саноат ривожланганга қадар 1700 йилларда шамол тегирмонлари кенг тарқалган. XVIII асрнинг 30-йилларида Голландияда шамол қурилмаларининг сони 1200 тага етди ва улар ёрдамида мамлакатнинг 2/3 қисм хўжалиқларидан ортиқча сувлар насослар ёрдамида чиқарилиб каналларга ташланган. XIX аср охирида шамол қурилмалари сони Голландияда 10000 тага етди. Электр двигателлар ишлаб чиқарилиши билан шамол қурилмалари камая бошлади. Саноат масштабида шамолдан электр энергия олиш бўйича электр станция 1890 йилда Данияда ихтиро қилинди. XX аср ўрталарида шамол энергиясидан фойдаланиш кескин сусаяди, чунки бу вақтда арзон энергия манбаларидан ҳисобланган кўмир ва нефтнинг қадри бирдан ўса бошлади.

Украинанинг Чернобил ва Япониянинг Фукусимо-2 атом электр станцияларидаги носозликлар ҳам электр энергия ишлаб чиқаришда ядро энергиясидан фойдаланишга нисбатан характерларни анча сусайтирди. Хозирги пайтда АҚШ, Европадаги қатор давлатлар ва Осиёдаги ривожланган кўпгина давлатларда келажакдаги энергия манбалари қуёш, шамол, океан оқимлари, суи

қалқиши, тўлқинлар, геотермал, тоғлардаги доимий оқар сувлар, денгиз энергиялари - келажак энергия манбалари деган фикрда, ушбу энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича катта илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Мутахассис олимларнинг ҳисоблари бўйича сайёрамизнинг шамол энергия потенциали дунё бўйича хозир ишлаб чиқариётган электр энергияга нисбатан 30 маротаба катта. Хозирги пайтда дунё бўйича турли қувватга эга бўлган бир неча миллион шамол қурилмалари ишлаб турибди. Масалан, АҚШ нинг Калифорния штатида 16 000 та йирик шамол электр қурилмалари (ШЭҚ) ишлатилмоқда ва улардан ишлаб чиқариладиган электр энергия Сан-Франциско шаҳрини керакли электр энергия билан таъминламоқда. Мўтилистонда хозир 50 000 дан ортиқ кичик электр қурилмалар ишлаб турибди ва улар узок қишлоқларни, чўпон хўжалиқларини керакли электр энергия билан таъминлайди. 2014-йилда Германияда альтернатив энергия манбаларидан умумий ишлаб чиқарилган электр энергиянинг 86 % шамол энергиясига тўғри келди. 2025 йилга келиб барча ишлаб чиқадиган электр энергиянинг 45 % альтернатив энергия ташкил қилиши керак, шундан 12 % шамол энергиясига тўғри келади. Дания давлати 2020 йилга келиб мамлакатнинг электр энергияга бўлган талабининг 50 % ни шамол энергиясидан олишни режалаштирган.

Хитойда шамол энергетикаси жуда катта тезликда ривожланмоқда. 2014 йилда Хитойда шамол электр энергиянинг қуввати 114 ГВт га етди. 2010 йил маълумотлари бўйича шамолдан электр энергия ишлаб чиқаришда Хитой биринчи ўринда (22%), АҚШ иккинчи ўринда (21%), Германия 14 %, Испания 11 %, Ҳиндистон 7 % ва ҳоказо ташкил қилган (1-расм).



1-расм. Шамол электр-энергетикаси бўйича етакчи давлатларнинг улуши (2010 йил)

Дунё бўйича шамол энергиясидан фойдаланиш катта тезликда ўсмоқда. Агарда 2000 йилда дунёдаги ҳамма давлатларда шамолдан 17,4 ГВт энергия олинган бўлса, 2010 йилда 197,9 ГВт, 2014 йилда 389,5 ГВт ни ташкил қилди, яъни 14 йил давомида шамолдан электр энергия олиш 20 баравардан ортиқ ўсди (2-расм).

свита), ниже залегают известняковые алевитовые глины, мергели, алевролиты, глины, гипсы, глинистые мергели, (сальварская свита). Свита датируется соответственно апшеронским и позднеапшеронским - раннечетвертичным возрастом обычно это участки гипсированных плато, чаще известняковыми гипсовыми рельефообразования выражены слабо.

Четвертичные отложения Каракульской дельты почти сплошь покрывают более древние породы. Представлены аллювиальными дельтовыми отложениями Празарафшана, золовыми песками и современными культурно-ирригационными породами долины Амударьи. Г. Ф. Тетохин (1966) их расчленяют на четыре комплекса: акзамарский (Q₁), карнабский (Q₂), сукатинский (Q₃) и современный (Q₄).

В Каракульской дельте наиболее распространены аллювиальные отложения, генетические связанные с деятельностью Празарафшана. Они очень разнообразны по литологическому составу и представлены глинами, суглинками, супесями и песками, которые образуют плоскую равнину.

В юго-западной части Каракульской дельты широко распространены аллювиально-дельтовые отложения Празарафшана нижнечетвертичного и среднечетвертичного возраста. Представлены тонкослоистыми уплотненными суглинками и глинами мощностью 0,3 - 4 м и более. В юго-восточной части местами встречаются современные озерно-дельтовые отложения Празарафшана верхнечетвертичного возраста. Они представлены серыми и рыжевато-серыми разнородными песками, супесями и суглинками с линзами конгломератов, гравийников и др. мощностью 1,5 - 3 м. Формирование озерно-дельтовых отложений в бессточных впадинах продолжается в настоящее время, так как солончаке впадин пропитаются солями сильноминерализованных грунтовых вод.

В опроцасаемой части Каракульской дельты широко распространены голоценовые (современные культурно-ирригационные) образования, слагающие поймы и вторые надпойменные террасы Зарафшана и Амударьи и их притоков. Они состоят из супесчано-суглинистых и глинистых тонкозернистых серых песков мощностью от 2 м до 2,5 м.

На территории современных дельтовых равнин расположен Каракульский оазис. На правом берегу Амударьи узкой полосой протянулся, Фарабский оазис. Они граничат с юго-запада и юга с Эльжинским неогеновым плато, которое находится на современной террасе Амударьи. Рельеф представлен пологоволнистой равниной, ограниченной структурным неогеновым плато с уклоном с северо-востока на юго-запада. В этом же направлении абсолютные высоты понижаются с 220 до 168 м. Местами над равниной поднимаются останцы структурного неогенового плато. Современной рельеф Каракульской дельты-равнины, представленный тремя крупными морфогенетическими типами: структурное плато Южного Кызылкума, аккумулятивные равнины и золовые пески.

Рельеф территории благоприятен для самотечного опроцасения с механическим подъемом воды и отвода излишних вод для обводнения пастбищ. Исключение составляют отдельные приоазисные участки низины, где происходят процессы заиления, заболачивания и вторичного засоления.

МУНДАРИЖА

Абдулкосимов А.А., Абдуллаев С.И. ГЕОГРАФИК КОБИҚ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТ: ТАРҚИБ ТОПИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ХОЗИРГИ МУАММОЛАРИ.....	4
Рахматуллаев А., Нуриллаев О.Р., Халбеков К.А. САМАРҚАНД ШАХРИДАГИ БАЪЗИ БУЛОҚ СУВЛАРИНИНГ ГИДРОКИМЁВЙ ТАРҚИБИ.....	12
Равшанов А.Х. ЎРТА ЗАРАФШОН ШАХАР ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	14
Абдулкосимов А.А., Давронов К. К. ЖАНУБИЙ АМЕРИКАНИНГ ЛАНДШАФТ ЗОНАЛАРИ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ.....	19
Холкулов Ш.Т. СУҒОРИЛАДИГАН БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ОҒИР МЕТАЛЛАР БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИ.....	24
Алибеков Л.А., Фозилов А. ДУНЁ ОКЕАНИНИНГ АТМОСФЕРА ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИРИ.....	27
Абдуллаев С.И., Жанкабиллов И.Х., Мукумова Х.И. СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК ГЕОҶОЛОГИЯСИ.....	30
Абдулкосимов А.А., Урунов С.З. ОКЕАНИЯ ТАБИАТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШ.....	35
Абдулкасимов А.А., Журакулова Д.Х. АНТРОПОГЕННО-ЛАНДШАФТНОЕ ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ ГЕОСИСТЕМ СУРХАНДАРЬНСКОЙ КОТЛОВИНЫ.....	43
Мухамедов О.Л., Шоглоров Т. АҲОЛИ СОНИ ЎСИШИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	47
Ҳақимов К., Ҳақимов Б., Мисиров Ж. ГЕОГРАФИК НОМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ҲАҚИДА.....	50
Назаров Х.Т., Юсупова К.У., Абулрззқова Ш.У. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА БАРПО ЭТИЛГАН ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТДАГИ РОЛИ ВА АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИ.....	52
Қурбанов К., Жумаев Т., Усманов М.Р., Қаюмова М. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ.....	57
Рахматуллаев А., Давронова Р. ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКАСИ ВА УНДАН КЕЛЖАҚДА ФЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ МИСОЛИДА).....	60
Абдулкосимов А.А., Фозилов А.С. АФРИКАНИНГ ЛАНДШАФТ ЗОНАЛАРИ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ.....	65
Қадиров М.А., Хасанов Ж.Ю., Баходирова С. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИНИ РАЙОНЛАШТИРИЛИШИ.....	71
Усмонова Р., Муродова Д., Хушмуродов Ф. РЕКРЕАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЛАНДШАФТ КАРТАЛАРИНИНГ РОЛИ.....	74
Raxmatullaev A., Davronova F. SNAQILKALON TOG'LARI VA TOG' OLDI TEKISLIKlarda BA'ZI YER OSTI SUVLARINING GIDROKIMYOVIY TARKIBI.....	76
Абдуллаев С.И., Муртазаев Б.Ч., Назаров М.Г. СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК ШАРОИТЛАРИДА АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР ШАҚЛЛАНИШИНИНГ ГЕОҶОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	79
Бадалов Ў., Ғаниев З. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА РЕКРЕАЦИЯ МАСКАНЛАРИНИ КАРТАЛАШТИРИШ ВА ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР СХЕМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ.....	83
Меллер Б.А. ЛАНДШАФТ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ГИС МЕТОДЛАР.....	85